

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари

*Toimmatov Otabek Madaminovich
Fargona viloyat prokurorinинг ўринбосари*

Аннотация. Уибу мақолада оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Хусусан, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ва соҳани тақомиллаштириши бўйича ислоҳотлар ҳамда прокурорларнинг қонунийликни таъминлашдаги ҳуқуқий аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиши, прокурор назорати, соглиқни сақлаш, тиббий кўрик, оналар ва чақалоқлар ўлими

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш инсон саломатлигини сақлаш ва яхшилашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу соҳадаги асосий мақсад – аёллар ва болаларни эҳтиёжга мос тиббий хизматлар билан таъминлаш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва касалликларни эрта аниқлаб даволаш чора-тадбирларидан иборат.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш ҳар қандай давлат ва жамиятда муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг соғлиғи ва хавфсизлиги келажак авлоднинг жисмоний ва ақлий ривожланишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Зеро, ҳар бир давлатда оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик, унинг ижроси ва муаммоларга йўналтирилган

ташаббуслар мамлакатнинг ижтимоий ва тиббий ривожланиш даражасини кўрсатади.

Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши ҳам давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланганки, бунинг замирида миллат генофондини яхшилаш, оиласда тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини оширишдек улуғвор мақсадлар қўйилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиш чора-тадбирлари олиб борилди.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик давлатнинг ижтимоий ва тиббий сиёсатида муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳадаги қонунлар аёллар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ти ПФ-60-сон Фармони билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланган.

Конституциямизнинг 48-моддасига кўра, ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий сугуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш-тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини самарали ташкил қилишда мазкур соҳада прокурор назорати муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг муддатида, аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан сифатли ва таъсирчан прокурор назорати ўрнатишни талаб этади.

Бош прокурорнинг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаш-тириш тўғрисида”ги 166-сонли буйруғида соҳада прокурор назоратини таъминлашда куйидагиларга эътибор қаратиш белгиланган:

- малакали тиббий ёрдам кўрсатишга, ахолига арzon дори воситалари ва тиббий буюмлар етказишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини сифатли таъминлаш;
- тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, арzon дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш ҳамда шошилинч тиббий ёрдам тизими фаолиятига доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирchan назорат үрнатилиши;

- касалликлар динамикаси ҳақидаги статистик маълумотлар ҳар ярим йилда таҳлил қилиниб, қонун бузилишларни бартараф этиш чоралари кўриб борилиши.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш йўналишидаги прокурор назоратининг энг асосий соҳаларидан бири бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашда мухим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Соҳада прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- соҳада қонунларнинг ва меъёрий ҳужжатларнинг ижроси таъминланади;

- оналик ва болаликнинг тиббий муҳофаза қилишга оид қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилади;

- қонуний аҳволини таҳлил қилиш ва тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўриш орқали аёллар ва болаларнинг тиббий хизматларга бўлган ҳуқуқлари муҳофаза этилади.

Хусусан, соҳада ўтказилган анзорат тадбирлари давомида прокурорар оналк ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда, аёллар ва болаларнинг тиббий хизматлардан фойдаланишдаги ҳуқуқларини таъминланишигаaloҳида эътибор қаратишлари зарур. Масалан, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг белгиланган муддатларда тегишли тартибда тиббий кўриклардан сифатли ўтишлари, кўрсатилган тиббий ёрдамларнинг сифати ва ҳоказо.

Соҳада аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан прокурорлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик масаласини қўллашлари лозим.

Зеро, ушбу соҳадаги қонун бузилиши ҳолатлари жамоат хавфсизлиги ва аҳолининг соғлиғига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, назорат тадбирларида прокурорлар оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш йўналишида аниқланган сифатсиз тиббий хизматлар ёки бошқа қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди.

Ҳар бир қайд этилган ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар ўлими юзасидан терговга қадар текшириш ўтказиб, ҳолатга қонуний баҳо берилади.

Оналар ва болалар ўлимининг олдини олишда аввало, никоҳланувчи шахслар сифатли тиббий кўриқдан ўтказилиши шартлигидан келиб чиқкан ҳолда дастлаб ушбу соҳада эътибор қаратиш зарур.

Чунки, прокуратура органлари томонидан ушбу соҳада ўтказилаётган назорат тадбирларида аслида тиббий кўриқдан ўтказилмаган ёки юзаки тарзда ўтказилган никоҳланувчиларнинг соғломлиги тўғрисида хулоса бериш, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга масъул бўлган тиббиёт ходимлари томонидан ўз касбий мажбуриятларига нисбатан бепарволарча муносабатда бўлиб келиш ҳолатлари учрамоқда.

Тиббий кўриқ Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2003 йилдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Мазкур Низомга кўра, барча ФХДЁ органларида қайд этилувчи никоҳлар бўйича никоҳланувчилар тиббий кўриқдан ўтказилиши шарт ҳисобланади.

Юқоридагиларга кўра, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишда сифатли ва таъсирчан прокурор назоратини ўрнатиш, нафақат соҳада қонунийликни таъминлаш, балки аҳолининг соғлиғини сақлаш, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни дунёга келтириш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ҳамда оиласида тиббий маданиятни оширишга хизмат киласида.

Шунингдек, прокурор назорати оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат ўрнатиш, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳуқуқий жараён ҳисобланади.

Айниқса, бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби, ижтимоий ушбу йўналишда прокурор назоратининг ҳуқуқий аҳамияти янада ортиб бормоқда.